

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХИДИРОВА СОЖИДА ХУСНИДДИН ҚИЗИ

БОЛАЛАРДА ЛАКТАЗА ФЕРМЕНТИ ЕТИШМОВЧИЛИГИ
РИВОЖЛАНИШИНИНГ МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК АСОСЛАРИ

14.00.16 – Нормал ва патологик физиология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хидирова Сожида Хусниддин қизи

Болаларда лактаза ферменти етишмовчилиги ривожланишининг
молекуляр-генетик асослари.....

3

Хидирова Сожида Хусниддин қизи

Молекулярно-генетические особенности развития лактазной
недостаточности у детей

23

Kxidirova Sojida Khusniddin qizi

Molecular-genetic basis for the development of lactase deficiency
in children

43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

48

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХИДИРОВА СОЖИДА ХУСНИДДИН ҚИЗИ

БОЛАЛАРДА ЛАКТАЗА ФЕРМЕНТИ ЕТИШМОВЧИЛИГИ
РИВОЖЛАНИШИНИНГ МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК АСОСЛАРИ

14.00.16 – Нормал ва патологик физиология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3PhD/В3851 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Азимова Севара Баходировна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Сайфуллаева Саида Акромжоновна
тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

Қаюмов Абдурахмон Абдумавлянович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

С.Д.Асфендияров номидаги Қозоғистон миллий тиббиёт университети (Қозоғистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат тиббиёт университетининг 10-ўқув биноси, 1-қават. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй; Тошкент давлат тиббиёт университетининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99871) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.Б.Саидов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда 4 миллиард одам лактаза ферментининг етишмовчилиги касаллигига чалинган бўлиб, лактоза метаболизмининг бузилишига олиб келган. Ферментнинг танқислиги янги туғилган чақалоқлар, эрта ёш давридаги болалар, ва катта ёшли инсонлар орасида учрайдиган муаммолар ичида етакчи ўринни эгалламоқда. Она сути ёки сут ўрнини босувчи сунъий аралашмалар билан озиқланадиган болаларнинг кунлик рациониди асосан сут маҳсулотлари устунлик қилганлиги учун сут таркибидидаги сут шакарини ҳазм қилувчи ягона фермент лактаза ферментининг янги туғилган организмнинг хар томонлама ривожланишида ўта муҳим ҳисобланади. Чунки лактоза янги туғилган организмнинг энергия сарфини 40%ини таъминлайди, шу билан биргаликда, Са ва В гуруҳ витаминларининг ингичка ичак энтероцитлари томонидан сўрилишида фаол иштирок этади. Лактаза ферментининг етишмовчилиги аниқланган болада нафақат ҳазм тизимининг муаммолари, балки, нерв тизимида безовталиқ, уйқусизлик, психомотор ривожланишдан ортда қолиш, диққат етишмовчилиги каби муаммолар ҳам кузатилади. Нафақат болалар орасида балки катталар ўртасида ҳам сут ва сут маҳсулотларисиз бўлган диета билан яшаётган инсонлар орасида кейинчалиқ соғлигида бир қанча салбий ўзгаришлар келиб чиқиши мумкин: остеопороз, суякларнинг синишга мойиллиги, аллергия (дерматит, бронхиал астма, ринит) ва бошқа касалликларга чалиниш кўрсаткичи сут маҳсулотларини мунтазам истеъмол қилувчиларга нисбатан анча юқорилиги аниқланган. Шунинг учун лактаза ферменти етишмовчилиги ҳолатини олдини олиш, уни эрта аниқлаш, бошқа фермент фаолияти бузилиши билан кечадиган касалликлардан фарқлаш, етарли даражада даволаш чора тадбирларини амалга ошириш тиббиёт соҳасида ўта долзарб муаммо ҳисобланади.

Жаҳонда фермент танқислиги ҳолатларининг худудлар кесимида аҳоли орасида тарқалишини ва касалликнинг ривожланишига сабаб бўлувчи омилларнинг таъсирини, фермент фаолиятини бошқарувчи геннинг фаолиятини ҳамда ушбу геннинг полиморф вариантларининг касалликнинг келиб чиқиши ва кечишига бўлган таъсирлари бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада лактоза метаболизмининг нормал кечишида ферментнинг ичак энтероцитлари томонидан етарли миқдорда ишлаб чиқарилишига, таркибига ҳамда МСМ6 ва LCT генларининг полиморфизм вариантларининг аллел ва генотипларининг ўзаро тақсимланиш частоталарини аниқлаш, аллел ҳамда генотипларнинг касалликнинг ривожланишига, кечишига бўлган таъсирларини аниқлаш, ферментнинг Са ҳамда витамин, минералларнинг метаболизмда тутган ўрнини аниқлаш ва хусусиятларини баҳолаш бўйича тавсияларни ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, эрта ёш даврида етарли миқдорда керакли витамин ва минералларнинг етишмаслиги

туфайли саломатлик бузилиши натижасида юзага келадиган оқибатларнинг олдини олиш ва барвақт аниқлаш борасида муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...» каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ҳомиладорликнинг турли даврларида темир метаболизмининг хусусиятларини ўрганиш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маълумки бугунги кунда ҳар томонлама соғлом авлодни улғайтириш борасида ҳар бир ривожланган давлатларда соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш учун бир қанча илмий-амалий ишлар қилинмоқда. Шунингдек лактаза ферменти фаолиятини ўрганиш борасида ҳам хорижлик бир қанча олимлар ўзларининг изланишларини олиб боришган (Энаттах Н.С., Монтгомери Р.К., Арбутин, Ҳаури Н.В., Swallow D.M.). Ферментнинг биологик қиймати унинг функцияларининг кўп қирралилиги ва бошқа метаболизм жараёнларида, организмни етарли озуқа ва энергия билан таъминлашда мураккаб биокимёвий жараёнларнинг ажралмас бир қисми эканлиги белгиланади (Абатуров О.Э., Степанова Ю.Ю., Кривуша О.Л., Герасименко О.М., 2013; Heaney R.P., 2013; Pereira P.C., 2014; Savaiano D.A., 2014; Levitt M., Wilt T., Shaikat A., 2013). Ушбу ферментнинг энтероцитлардан синтезланишини ва лактозани организм томонидан сўрилиш жараёнларида қандай ахамиятга эга эканлиги ҳақида жуда қимматли маълумотлар ҳам бир қанча манбаларда ўз аксини топган (Mattar R., de Campos Mazo D.F., Carrilho F.J., 2012; Zecca L.,

Mesonero J.E., Stutz A., Poir e J.C., 1998; Sundquist J., Sundquist K., 2014; Mattar R., Mazo D.F., 2010). Ферментнинг синтезланиши, тузилиши, хазм жараёнида қандай вазифаларни бажариши тўғрисидаги маълумотларга ҳам қуйидаги тадқиқотчиларнинг изланишлари давомида аниқланган (Mattar R., de Campos Mazo D.F., Carrilho F.J., 2012; Campbell A.K., Matthews S.B., Vassel N., 2010; Brssow H., 2013). Таъкидланишича, лактозанинг тўлиқ хазм бўлмаслиги хазм тизимидан бошқа олий асаб тизими фаолияти ва инсоннинг ақлий ҳамда жисмоний ривожланишига ҳам таъсир қилади (Matthews S.B., Waud J.P., Roberts A. G., Campbell A. K., 2005; Mattar R., Mazo D.F., 2010). Ферментнинг етарли миқдорда ишлаб чиқарилишига гормонлар ҳам таъсир қилади (Бельмер С.В., 2012). Ферменти фаолиятини бошқарувчи геннинг тузилиши, жойлашуви, полиморф вариантлари, дунё бўйлаб тарқалиши ҳақида ҳам ўрганилган (Gerbault P., 2013; Sibley E., Ahn J.K., Theodore E., 2011; Burger J., Kirchner M., Bramanti B., Naak W., Thomas M.G., 2007; Kuchay R.A., Anwar M., Thapa B.R., Mahmood A., Mahmood S., 2013).

Ўзбекистонда лактоза дисахаридига нисбатан муросасизликнинг тарқалиши (Ж.А.Хабибуллаев, 2023), лактозасиз йогурт ишлаб чиқариш (И.Р.Асқаров, К.К.Отахонов, 2023), ичак микробиоти ва унинг инсон саломатолигига таъсири бўйича лактаза етишмовчилиги билан боғлиқлиги (Н.Элова, 2021; Ш.Миралимова, 2021) ва LCT генини Ўзбекистон худудида 81% холатда тарқалиши (Ш.Қосимов, 2011) ўрганилган. Бироқ, Ўзбекистон худудида MCM6 ва LCT генларининг C/T-13910 ва G/A-22018 полиморфизмларининг аллел ва генотипларини ахамиятини баҳолаш деярли ноаниқ бўлиб қолмоқда.

Юқоридаги маълумотлардан кўришиб турибдики, Ўзбекистон худудида MCM6 ва LCT генларининг C/T-13910 ва G/A-22018 полиморфизмларининг аллел ва генотипларини касаллик ривожланишида ахамиятини баҳолаш деярли ўрганилмаган бўлиб, бу муаммо устида илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №3.012400288 УДК 617.52-001-097-08 «Ижтимоий ахамиятга молик касалликларнинг олдини олиш, диагностика ва даволашнинг илғор технологияларини ишлаб чиқиш» (2024–2028 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади лактаза ферменти етишмовчилигининг ривожланишидаги MCM6 ва LCT генлари полиморфизмларининг ўрнини баҳолаш ва фермент етишмовчилиги ривожланиш хавфи мезонларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

лактаза етишмовчилиги кузатилган бемор болаларда MCM6 генинг C>T-13910 (rs4988235) ва LCT генинг G>A-22018 (rs182549) аллел ва генотипик вариантларининг тақсимланиш даражасини таҳлил қилиш;

лактаза етишмовчилиги ривожланишида МСМ6 (С>Т-13910) ва LCT (G>A-22018) генларни полиморфизмларининг ахамиятини баҳолаш;

лактаза етишмовчилиги ривожланишида касалликнинг турига, даражасига ва жинслар ўртасида таксимланишига МСМ6 (С>Т-13910) ҳамда LCT (G>A-22018) полиморфизмларининг ассоциатив боғлиқлигини баҳолаш;

касалликнинг ташхисотини такомиллаштириш ва клиник кечишига МСМ6 (С>Т-13910) ҳамда LCT (G>A-22018) полиморфизмларининг таъсирини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт муассасасининг болалар гастроэнтерологияси бўлимида ушбу ташхис билан даволанаётган 90 нафар бемор болалар олинган.

Тадқиқотнинг предметини бемор болаларнинг қўл венасидан олинган қон ва нажас намуналари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда мақсад ва вазифаларга эришиш учун молекуляр-генетик, инструментал, клиник-биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

полиморфизмнинг айрим вариантлари касалликнинг ривожланиши ва клиник оғирлигини эрта башорат қилувчи предикторлар сифатида хизмат қилиши кўрсатилиб, болаларда лактаза етишмовчилигида МСМ6 ва LCT ген полиморфизмларининг диагностик ва прогностик қиймати аниқланган;

лактаза етишмовчилиги бўлган болаларда МСМ6 генининг С>Т-13910 полиморфизмининг прогностик ахамиятини аниқлаш асосида LCT генининг G>A-22018 полиморфизмининг А аллели ва А/А генотипининг касалликнинг ривожланиши ва клиник кўринишларнинг оғирлиги билан юқори даражада боғлиқлиги, шунингдек уларнинг лактаза етишмовчилигининг прогностик маркерлари сифатидаги роли исботланган;

лактоза алмашинувининг бузилишлари ва оғирроқ клиник аломатлар билан тавсифланиши кўрсатилиб, лактаза етишмовчилигининг оғирлиги ҳамда МСМ6 ва LCT генларининг мутант гомозигота Т/Т ва А/А генотипларининг мавжудлиги ўртасида сезиларли боғлиқлик исботланган;

лактоза алмашинувининг генетик хусусиятлари нафақат касалликка мойилликни, балки унинг клиник ўзгарувчанлигини ҳам белгилаши туфайли болаларда лактаза етишмовчилигининг бирламчи ва иккиламчи шакллари ривожланишида МСМ6 ва LCT ген полиморфизмларининг роли аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

LCT ва МСМ6 генларининг полиморфизмлари учун генетик маркерлардан фойдаланиш болаларда лактаза етишмовчилигини эрта ташхислашнинг аниқлигини сезиларли даражада ошириши исботланган;

LCT ва МСМ6 генларининг аллел вариантлари ва лактаза етишмовчилигининг клиник кўринишларини ривожланиш хавфи ўртасидаги ўрганилган боғлиқлик клиник амалиётда симптомларнинг ривожланиш эҳтимолини башорат қилиш орқали мониторинг ва профилактика чораларини талаб қиладиган юқори хавф гуруҳлари аниқланган;

беморларнинг генетик профили лактаза етишмовчилигининг кечишини башорат қилиш имконини беради, бу эса индивидуал даволаш режимларини такомиллаштириш ва тиббий аралашувлар самарадорлигини ошириш учун жуда муҳимлиги кўрсатилган;

тадқиқот натижалари лактаза етишмовчилиги бўлган болалар учун махсус овқатланиш бўйича кўрсатмаларни ишлаб чиқиш, жумладан, уларнинг генетик мойиллигига мослаштирилган шахсийлаштирилган парҳез дастурларини яратиш учун асос бўлиши илмий асосланган;

лактоза метаболизмининг бузилиши билан боғлиқ аниқланган генетик омиллар тиббий генетика марказлари ва болалар касалликларини даволаш муассасалари амалиётига лактаза етишмовчилигини скрининг қилиш, эрта ташхислаш ва олдини олиш учун киритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган молекуляр-генетик, инструментал, клиник-биокимёвий ва статистик тадқиқот усуллари асосида лактоза метаболизмида генларнинг ва полиморф вариантларининг таъсирини баҳолашнинг ўзига ҳослиги, натижаларнинг халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ва олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти касаллик аниқланган бемор болаларда лактаза ферментининг ўз вазифасини тўлақонли бажармаслиги оқибатида ҳазм аъзоларида лактоза метаболизмида иштирок этувчи қатор омилларнинг кўрсаткичларининг хусусиятлари ҳақидаги маълумотларни тўлдирилиши, генетик маркерлардан фойдаланиб лактаза етишмовчилиги хавфини баҳолаш, эрта ташхислаш ва шахсийлаштирилган парҳез-терапияни режалаштириш имкониятини кенгайтирганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти фермент етишмовчилиги ташхиси асослашда қўшимча дифференциал-диагностик мезонларни ташкил этилган, лактозанинг метаболизмида иштирок этувчи ферментнинг фаолиятига таъсир кўрсатувчи геннинг полиморфик аллел ва генотипларининг тарқалиш частоталарини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Болаларда лактаза ферменти етишмовчилиги ривожланишининг молекуляр-генетик асослари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: полиморфизмнинг айрим вариантлари касалликнинг ривожланиши ва клиник оғирлигини эрта башорат қилувчи предикторлар сифатида хизмат қилиши кўрсатилиб, болаларда лактаза етишмовчилигида MCM6 ва LCT ген полиморфизмларининг диагностик ва прогностик қиймати аниқланганлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 26 февралда

7-сон билан тасдиқланган «Болаларда лактаза ферменти етишмовчилигини молекуляр-генетик тамойиллар асосида аниқлашнинг замонавий усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Жиззах шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли неврология ва болалар бўлими бўйича 10.04.2025 йилдаги 1700-3-55-ТВ/2025-сон ҳамда Қашқадарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 09.04.2025 йилдаги № 98-Т-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025 йил 7 июлдаги 21/16-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* лактазанинг ферментатив фаолияти бузилиши билан хасталанган беморларни клиник ва лаборатор текширувда аниқланган генларни аллел ва генотипларнинг тақсимланиш частоталари болалар гастроэнтерологлари, педиатрлар, неонатологлар ва умумий амалиёт шифокорларига ушбу патологиянинг этиологияси, патогенезини тасниф қилишни, ҳазм тизимининг функционал тузилмаларининг фаолиятини бузилишини эрта ташхислаш ҳамда кейинчалик келиб чиқиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар даволаш учун сарфланадиган 1600000 сўм маблағлар бемор болаларнинг қон намуналари асосида лактаза ферментининг миқдори ва таркибига боғлиқ полиморф генларнинг аллел ва генотипларининг кўрсаткичларини аниқлашда биокимёвий текширув усуллар самарадорлигини ошириб, ортиқча текширувларни қисқартириш натижасида иқтисод қилинади;

иккинчи илмий янгилик: лактаза етишмовчилиги бўлган болаларда МСМ6 генининг С>Т-13910 полиморфизмининг прогностик аҳамиятини аниқлаш асосида LCT генининг G>А-22018 полиморфизмининг А аллели ва А/А генотипининг касалликнинг ривожланиши ва клиник кўринишларнинг оғирлиги билан юқори даражада боғлиқлиги, шунингдек уларнинг лактаза етишмовчилигининг прогностик маркерлари сифатидаги роли исботланганлиги бўйича таклифлар бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 26 февралда 7-сон билан тасдиқланган «Болаларда лактаза ферменти етишмовчилигини молекуляр-генетик тамойиллар асосида аниқлашнинг замонавий усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Жиззах шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли неврология ва болалар бўлими бўйича 10.04.2025 йилдаги 1700-3-55-ТВ/2025-сон ҳамда Қашқадарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 09.04.2025 йилдаги № 98-Т-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025 йил 7 июлдаги 21/16-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* тадқиқот натижаларининг ўрганилган генлар полиморфизмининг аллел ва генотипларининг турли частоталарда тақсимланиш кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда лактоза метаболизмида иштирок этувчи лактазанинг ферментатив кўрсаткичларини ишончли тарзда аниқлашга имкон берган. Бундан ташқари, генларнинг полиморфизм шакллариининг генотиплари Т/Т-13910 ҳамда А/А-22018 гомозигот ҳолатда ферментнинг фаолиятига салбий тасир ўтказганлиги, ва касалликнинг енгил

шаклини ривожланишига С/С ҳамда G/G генотиплар сабаб бўлиши асослаб берилган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаниш учун сарфланадиган 1150000 сўм маблағлар фермент лактазанинг фаолиятини замонавий диагностика усулларида фойдаланиб аниқлаш орқали тиббий тизимга ортикча юкни камайтириш натижасида иқтисод қилинади;

учинчи илмий янгилик: лактоза алмашинувининг аниқроқ бузилишлари ва оғирроқ клиник аломатлар билан тавсифланиши кўрсатилиб, лактаза етишмовчилигининг оғирлиги ва МСМ6 ва LCT генларининг мутант гомозигота T/T ва A/A генотипларининг мавжудлиги ўртасида сезиларли боғлиқлик исботланганлиги бўйича таклифлар бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 26 февралда 7-сон билан тасдиқланган «Болаларда лактаза ферменти етишмовчилигини молекуляр-генетик тамойиллар асосида аниқлашнинг замонавий усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Жиззах шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли неврология ва болалар бўлими бўйича 10.04.2025 йилдаги 1700-3-55-ТВ/2025-сон ҳамда Қашқадарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 09.04.2025 йилдаги № 98-Т-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025 йил 7 июлдаги 21/16-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* тадқиқот натижаларининг педиатрия ва болалар гастроэнтерологияси амалиётига жорий этилиши натижасида касалликка эрта ташхис қўйиш, даволаш ишларини тўғри йўлга қўйиш ҳамда кунлик рационни тўғри тузишни ишончли тарзда аниқлашга имкон берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* молекуляр-генетик текширувлар орқали лактаза ферменти етишмовчилигини аниқланиши тез ва аниқ ташхис қўйиш орқали узоқ вақт давом этадиган ноаниқликлар ва нотўғри даволанишлардан қочиш, эрта аниқлаш муаммоларининг оғир шаклларига олиб келадиган кечиктиришларни олдини олиш натижасида даволаш ва реабилитация харажатлари иқтисод қилинади;

тўртинчи илмий янгилик: лактоза алмашинувининг генетик хусусиятлари нафақат касалликка мойилликни, балки унинг клиник ўзгарувчанлигини ҳам белгилаши туфайли болаларда лактаза етишмовчилигининг бирламчи ва иккиламчи шакллариининг ривожланишида МСМ6 ва LCT ген полиморфизмларининг роли аниқланганлиги бўйича таклифлар бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 26 февралда 7-сон билан тасдиқланган «Болаларда лактаза ферменти етишмовчилигини молекуляр-генетик тамойиллар асосида аниқлашнинг замонавий усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Жиззах шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли неврология ва болалар бўлими бўйича 10.04.2025 йилдаги 1700-3-55-ТВ/2025-сон ҳамда Қашқадарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 09.04.2025 йилдаги № 98-Т-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025 йил 7 июлдаги 21/16-сон

хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* таклиф этилаётган комплекс ёндашувдан фойдаланиш анамнезида ЛЕ билан касалланган бемор болаларни даволаш сифатини яхшилайти. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаниш учун сарфланадиган 800000 сўм маблағлар молекуляр-генетик усулларни жорий этиш орқали даволаниш муддати 10 кундан 5 кунгача қисқартириш натижасида иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларни илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишларнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Лактаза етишмовчилиги этиопатогенезининг замонавий жиҳатлари (Манбалар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида эрта ёш даврларидаги болалар хазм тизимида лактоза метаболизмини ўрганиш бўйича жаҳон адабиётларидаги маълумотларни батафсил таҳлили натижалари келтирилган. Адабиётлар таҳлили маълумотларнинг чалкашлиги ва турли хиллиги, турлича ҳудудларда аҳоли орасида аниқланган лактозага интолерантлик ҳолатлари лактоза метаболизмини баҳолаш бўйича аниқ тавсиялар йўқлигини кўрсатди. Лактозанинг метаболизмига бағишланган 120дан ортиқ хорижий адабиётлар таҳлили ўтказилган бўлиб, Ўзбекистон ҳудудида касалликнинг ривожланишига таъсир этувчи геннинг аллел ва генотипларининг популяциялари ўртасида тақсимланиш частоталарини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқот маълумотлари жуда камчиликни ташкил этиши кўрсатиб ўтилган.

Диссертациянинг «**Материаллар ва тадқиқот усулларини хусусиятлари**» деб номланган иккинчи боби 3та кичик бобларга бўлинган

бўлиб, тадқиқот олиб боришда қўлланилган усуллар ва материаллар ҳақида маълумот берилган.

«Тадқиқот материалларининг умумий тавсифи» деб номланган биринчи кичик боби.

Тадқиқотга доир текширувлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг Молекуляр тиббиёт ва хужайра технологиялари бўлимида (Каримов Н.Я.) ҳамда Тиббий генетика лабораториясида (Бобоев К.Т.) олиб борилди.

Барча беморларда молекуляр-генетик текширувлар ўтказилди. Асосий ва назорат гуруҳидаги барча текширувчиларда куйидаги полиморфизмлар:

rs4988235 МСМ6 гени (С13910Т) ва rs182549 LCT (G22018А) гени полиморфизм локусларининг аллел ва генотипларининг тақсимланиш частотаси ўрганилди.

Ушбу тадқиқотнинг шаклланган мақсадини амалга ошириш учун барча синов болалари (n=90) куйидаги учта гуруҳларга ажратилди:

Биринчи (I) синов гуруҳ ЛЕ нинг даражасига кўра оғир, ўрта, енгил даражали бемор болалар.

Иккинчи (II) синов гуруҳ ЛЕ нинг келиб чиқиши турларига кўра бирламчи ва иккиламчи гуруҳлар.

Учинчи (III) синов гуруҳи жинс вакиллари орасида касалликнинг тарқалишига кўра шакллантирилган гуруҳ.

Тўртинчи (IV) назорат гуруҳга (n=85) ҳеч қандай фермент этишмовчилиги аниқланмаган шартли соғлом болалар гуруҳи.

1-жадвал

ЛЕ аниқланган бемор болаларда энг кўп учрайдиган клиник симптомлар

Клиник симптомлар	Клиник белгининг учраши (%)
Абдоминал оғриқлар	100%
Метеоризм (ичакларда газ тўпланиши)	100%
Колика (ичак санчиғи)	80,0%
Диарея	65,0%
Қабзият	50,0%
Иштаханинг йўқолиши	90,0%
Кам вазнлик(гипотрофия)	68,0%
Қайт қилиш	75,0%
Қорин соҳасида ғулдирашлар	90,0%
Ахлат ранги ва хидининг ўзгариши	85,0%

МСМ6 генининг rs4988235 (С13910Т), LCT генининг rs182549 (G22018А) полиморф маркерларининг аллеллари ва генотипларининг тарқалиш частоталарини ЛЕ аниқланган беморларда ва шартли соғлом болалар гуруҳида ўрганилди. ЛЕ ташхиси қўйилган, Самарқанд вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг болалар гастроэнтерологияси бўлимида 90 нафар бемор болалар кенг қамровли клиник-лаборатор текширувдан ўтказилди. ЛЕ ташхиси билан бўлимга ётқизилган бемор болалар симптоматик ва клиник лаборатор текширувлардан ўтказилган

маълумотлар асосида бир қанча жадваллар шакллантирилди ва бемор болалар орасида энг кўп учрайдиган клиник симптомлар бўйича кўрсаткичлари аниқланди (1-жадвал).

Барча илмий тадқиқот ишлари давомида болаларнинг умумий ҳолати ва озиқ-овқат истеъмолини ҳар куни кузатиб борилди.

«Тадқиқот усуллари» деб номланган иккинчи кичик бобида: лаборатория тадқиқотлари учун қўл венасидан махсус шприцлар ёрдамида 3 мл қон олинди, 1 мл қон биокимёвий таҳлил учун цитратсиз пробиркага ва 2 мл қон цитратланган пробиркага олинган.

Барча беморларда молекуляр-генетик текширувлар ўтказилди. Асосий ва назорат гуруҳидаги барча текширувчиларда қуйидаги полиморфизмлар: rs4988235 MCM6 гени (C13910T) ва rs182549 LCT (G22018A) генлари полиморфизм локусларининг аллел ва генотипларининг тақсимланиш частотаси ўрганилди. Юқори сифатли ДНК намуналарини периферик қон намунаси лимфоцитларидан ажратиб олиш орқали, биз генлар структураси таҳлилини полимераз занжир реакцияси (ПЗР) усули билан амалга оширдик, бу усул уч босқичдан иборат:

- Клиник намунадан ДНКни ажратиб олиш
- ДНКнинг махсус бўлақларини амплификация қилиш
- Амплификация маҳсулотларини аниқлаш.

Барча текширувчилардан Vacutainer тури (ЭДТА билан) пробиркаларига (Purple cap, ЭДТА К3, 13*75мм, 5мл) қон намунаси олинди. Лейкоцитлар ДНК ажратиш учун "Ampli Prime RIBO-prep" (Interlabservice LLC, Россия) тўпламидан фойдаланилди. Полиморфизм детекцияси полимераз занжир реакцияси (ПЗР) усули билан Rotor Gene Q (Quagen, Германия) қурилмасида, real-time форматида аллел-специфик ПЗР усули ёрдамида "Litex" (NPF Litex, Россия) реактивлар тўплами билан амалга оширилди.

«Натижаларнинг статистик таҳлили» деб номланган учинчи кичик боби.

Олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш тажриба беморларининг алоҳида гуруҳлари параметрлари орасидаги фарқнинг аҳамиятини аниқлаш учун статистик таҳлил амалга оширилди. Генотиплар тақсимотининг Харди-Вайнберг тенглик тақсимотидан оғишини баҳолаш учун "GenePop" компьютер дастуридан фойдаланилди. Тадқиқ қилинаётган генларнинг аллел частоталарини ҳисоблаш қуйидаги формулага асосан амалга оширилди $p=2np+npq/2N$, $p = \frac{2np + npq}{2N}$, ЛЕ ривожланиш хавфини баҳолаш ва тадқиқот қилинаётган беморлар ва назорат гуруҳидаги аллел ва генотип частоталарини таққослашда Пирсоннинг χ^2 тести ва оддс ратио (OR) 95% ишонч оралиғи билан ишлатилди. Ҳисоб-китоблар учун Open Epi 2009, Версион 2.3 дастурий таъминоти ишлатилди. Ушбу кўрсаткичларнинг ишончлилик даражаси Стюдентнинг t-тести ёрдамида ҳисобланди. Маълумотлар $p \leq 0.05$ бўлса, ишончли деб ҳисобланди.


Диссертациянинг «Молекуляр-генетик тадқиқотлар» деб номланган учинчи бобида лактоза метаболизмида MCM6 генининг C>T-13910

полиморфизмининг аҳамияти, генотипларнинг касаллик ривожланишига таъсири тўғрисида асосий жиҳатлари келтирилган.

ЛЕ ташхиси бемор болаларда ўтказилган лаборатория, инструментал ва молекуляр-генетик тадқиқотлар натижаларига асосланиб аниқланди. Асосий гуруҳ сифатида танланган 90 нафар бемор боланинг клиник ва лаборатор кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Таҳлил натижаларига кўра, 16 нафар беморда касалликнинг ўртача оғирликдаги шакли аниқланган бўлса, 65 нафар беморда энгил даражаси, 9 нафарда эса лактаза етишмовчилигининг оғир шакли қайд этилди. Ўтказилган таҳлили натижаларига кўра, бемор болаларда аниқланган МСМ6 генининг генотип вариантлари касаллик даражасини аниқлашда муҳим рол ўйнайди. Бу эса лактаза етишмовчилиги ташхисини аниқ қўйиш ва даволаш стратегиясини тўғри режалаштириш имконини беради.

Асосий гуруҳдаги болалар Бенедикт таҳлили асосида клиник шаклига кўра куйидагича тақсимланди: энг оғир шакли Т/Т генотипли болаларда кузатилиб, уларнинг улуши 10%ни ташкил этди (1-расм). Ушбу гуруҳда ахлат таркибида углевод миқдори >1% оралиғида бўлган. С/Т генотипли беморлар касалликнинг ўрта оғирликдаги шаклига мансуб бўлиб, 72,2 %ни ташкил этди, уларда углевод миқдори 0,6–1% атрофида бўлган. Энг энгил клиник кўриниш эса С/С генотипига эга болаларда аниқланиб, бу гуруҳ жами беморларнинг 17,8%ни ташкил этди. Уларнинг ахлатида ҳазм бўлмаган углевод даражаси 0,3–0,5% дан юқори бўлган.

Бемор болалардан олинган нажас намуналарида Бенедикт таҳлили асосида аниқланган углевод даражалари касалликнинг клиник кўринишлари ҳамда генотип вариантлари билан таққослаб ўрганилди:



1-расм. Бемор болалар гуруҳида олинган нажас намуналарида Бенедикт таҳлилининг генотип вариантлари билан таққослаш

Тажриба гуруҳларида касаллик даражасига, келиб чиқиш турига, ўғил ва қизлар орасида тарқалишига кўра жадваллар шакллантирилди ва фермент фаолиятига ўзаро таъсир кўрсаткичлари аниқланган.

МСМ6 генидаги беморлар ва назорат гуруҳларида лактаза етишмовчилиги (C>T-13910) генотипларининг ва аллелларининг тақсимооти қуйидагича бўлди (2-жадвал).

2-жадвал

МСМ6 генидаги беморлар ва назорат гуруҳларида аллел ва генотипларнинг тақсимланиш частотаси (C>T-13910)


№	Генотип ва аллеллар	Асосий гуруҳ n=90 (180)	Назорат гуруҳи n= 85 (170)
1	C/C генотип	65 (72,22%)	79 (92,94%)
2	C/T генотип	16 (17,78%)	6 (7,06%)
3	T/T генотип	9 (10,0%)	0 (0%)
4	C аллели	146 (81,11)	164 (96,47%)
5	T аллели	34 (18,89%)	6 (3,53%)

Натижалар шуни кўрсатадики, асосий гуруҳда T аллели частотаси юқори (19% га яқин) бўлиб, T/T генотипининг ҳам маълум даражада учраши кузатилди (10%) (2-жадвал). Бу беморлар популяциясида C>T-13910 полиморфизми тақсимооти Харди–Вайнберг мувозанатидан оғиб кетганлигини ва T аллелининг клиник аҳамиятга эга бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Назорат гуруҳида деярли барча иштирокчиларда C/C генотипи учраган ва T/T генотипи аниқланмаган. T аллели частотаси жуда паст (3,5%), бу гуруҳда генетик мувозанат сақланганини кўрсатади. Асосий гуруҳда T аллели частотаси (18,9%) назорат гуруҳидан (3,5%) қарийб 5 баравар юқори. T/T генотипи фақат асосий гуруҳда (10,0%) кузатилди, назорат гуруҳида эса бутунлай йўқ. C/C генотипи частотаси назорат гуруҳида анча юқори (92,9%) бўлса, асосий гуруҳда у сезиларли даражада паст (72,2%). Гетерозигот C/T генотипи асосий гуруҳда кўпроқ (17,8%) учраган, назорат гуруҳида эса камроқ (7,1%). Асосий гуруҳда T аллели частотаси юқори бўлиб, T/T генотипи сезиларли даражада учрайди, бу эса полиморфизмининг клиник аҳамиятини кўрсатади. Назорат гуруҳида C аллели устунлик қилади (96,5%) ва T/T генотипи умуман кузатилмаган, бу популяцияда генетик мувозанат сақланганидан далолат беради. Гуруҳлар ўртасидаги фарқлар МСМ6 генининг C>T-13910 полиморфизми беморлар фенотида муҳим рол ўйнашини кўрсатади ва ушбу полиморфизм касалликнинг генетик маркерларидан бири сифатида кўриб чиқилиши мумкин.

МСМ6 генининг C/T -13910 полиморфизмида асосий ва назорат гуруҳларида касаллик даражасига боғлиқ аллел ва генотипларининг тақсимланиши ўрганилганда (2-расм) T аллели беморлар гуруҳида назорат гуруҳга нисбатан 5 баравар юқорилиги аниқланди (18,9% га нисбатан 3,5%). T/T генотипи эса фақат беморларда (10,0%) кузатилди, назоратларда эса бутунлай учрамади. Беморларни клиник даражалар бўйича таҳлили энгил даража C аллели – 96,1%, T аллели – 3,84%, генотиплар C/C – 92,3%, C/T – 7,7%, T/T – 0% кўрсатди. Бу гуруҳда C аллели мутлақ устунликка эга, T/T генотипи кузатилмаган. Демак, энгил шакл C аллели устун популяцияда пайдо бўлади. Ўрта даражада гетерозигот C/T генотипи устун (62,5%). Бу босқичда T аллелининг частотаси анча юқори (37,5%), бу эса касаллик ривожидан T аллелининг сезиларли ролини кўрсатади. Оғир даражада (n=9;

аллел сони = 18) С аллели – 5,55%, Т аллели – 94,4% ва генотиплар С/С – 0%, С/Т – 11,1%, Т/Т – 88,9%. Оғир даражали беморларнинг деярли барчаси Т аллели ташувчилар бўлиб, уларда асосан Т/Т генотиби (88,9%) аниқланган. Бу оғир клиник кўриниш Т аллелининг кучли ассоциацияси билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Назорат гуруҳида С аллели мутлақ устунлик қилмоқда (96,5%), Т/Т генотиби эса умуман кузатилмаган. Бу гуруҳида генетик мувозанат сақланган. Асосий гуруҳида Т аллели частотаси кескин юқори (18,9%) бўлиб, Т/Т генотиби (10,0%) мавжудлиги касаллик билан мустаҳкам боғлиқ эканини кўрсатади. Енгил даражали ЛЕ кечишида С аллели устун, Т/Т учрамайди. Оғир даражада эса Т/Т генотиби мутлақ устунлик қилади (88,9%), С аллели деярли учрамайди.



2-расм. МСМ6 генининг С/Т -13910 полиморфизмида асосий ва назорат гуруҳларида касаллик даражасига боғлиқ аллел ва генотипларининг тақсимланиши

Асосий ва назорат гуруҳидаги бемор болаларнинг қон намунаси асосида ўтқазилган генетик текширувлар асосида олинган натижалар қуйидагича (3 жадвал): беморлар гуруҳида С аллели частотаси 146 бўлиб, назорат гуруҳидагидан паст бўлган ($\chi^2 = 18,89$; $p = 0,0000139$; $OR = 0,157$; $95\% CI 0,064-0,385$; $RR = 0,84$). Натижа статистик жиҳатдан жуда аҳамиятли бўлиб, С аллели ҳимоя қилувчи омил эканлигини кўрсатади. Яъни, С аллели ташувчиларда касаллик ривожланиш хавфи назорат гуруҳига нисбатан кам. Беморлар гуруҳида Т аллели частотаси 34 бўлиб, назорат гуруҳида 6 та кузатилди ($\chi^2 = 18,89$; $p < 0,0001$; $OR = 6,36$; $95\% CI 2,60-15,60$; $RR = 5,35$). Бу натижа Т аллели мавжудлиги ЛЕ касаллигига 6 баравар кўпроқ мойилликни билдиради.

С/С генотиби беморлар орасида 65 (72,2%), назорат гуруҳида эса 79 (92,9%) иштироғида кузатилди. С аллели ва С/С генотиби ҳимоя қилувчи омиллар бўлиб, улар касаллик ривожланиш эҳтимолини сезиларли даражада камайтиради. Т аллели асосий хавф омилли бўлиб, у ЛЕ аниқланган болаларда назорат гуруҳига қараганда сезиларли даражада юқори учрайди. С/Т генотиби касалликка мойилликни оширувчи фактор сифатида намоён бўлади,

бирок статистик аҳамият чегаравий даражада. Натижалар МСМ6 генининг С>Т-13910 полиморфизми касалликнинг генетик маркерларидан бири сифатида муҳим рол ўйнаши мумкинлигини кўрсатади.

3-жадвал

МСМ6 С/Т -13910 полиморфизмининг РХБ таҳлилида асосий ва назорат гуруҳида аллел ва генотипларининг тарқалиши

Кўрсаткич	Беморлар гуруҳи	Назорат гуруҳи	χ^2	p	OR	RR	95%CI
Аллел С	146	164	18,89	0,0000139	0,157	0,84	0,064-0,385
Аллел Т	34	6	18,89	< 0,0001	6,36	5,35	2,60-15,60
Генотип С/С	65	79	11,49	0,0007	0,2	0,78	0,076-0,510
Генотип С/Т	16	6	3,65	0,056	2,85	2,52	1,057-7,665

